

Тошкент ш.

«17» 01 2022 й.

"O'zenergosozlash" МСНД Директори У. И. Ибрагимов, амалдаги жамият Уставига биноан, бундан кейин матнда "Пудратчи" томонидан ва "SIRDARYO IES" АД бундан кейин матнда "Буюртмачи" вакили Бош директори Курбаниев б.н. корхона ЧОЛОГУЛ асосида бошқа томондан, бундан кейин матнда томонлар, 17569 сонли Лот асосида қуидагилар бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Пудратчи" ушбу шартнома шартларига мувофиқ "Буюртмачи" топшириғига асосан қуидаги ишларни (хизматларни) бажаришни ўз зиммасига олади: **Жамланма смета бўйича (1-Илова)**. Иш ҳажми RH 34-301-556: 2007 га мувофиқ тузилган ва шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета бўйича аниқланади. Ишнинг таркиби аниқ белгиланмаган ва Буюртмачи томонидан Пудратчи бажарадиган ишларнинг ҳақиқий ҳажми бўйича бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштиришда шартнома миқдори доирасида аниқлик киритилиши мумкин.

1.2. Ушбу шартнома бўйича "Пудратчи" томонидан барча ишларни (хизматларни) бажариш муддати: бошланиши 2022 йилнинг 1 чораги, якунланиши 2023 йилнинг 1 чораги.

1.3. "Пудратчи" ишни муддатидан аввал бажариш хукуқига эга.

2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Тузилаётган вақтда шартноманинг умумий нархи, 15% КҶСни инобатга олган ҳолда 357 740 988,0 (Уч юз эллик етти миллион етти юз қирқ минг тўққиз юз саксон саккиз сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларнинг қиймати шартнома тузиш босқичида белгиланади ва қуидаги ҳолатлардан ташқари ўзгартириш мумкин эмас:

- КҶС ставкалари ўзгарганда;
- ишлар ҳажми ва таркиби ўзгартиришлар киритилганда;
- материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг нархи ўзгарганда.

2.3. Иш бошлашдан олдин "Буюртмачи" шартнома суммасининг 15% дан кам бўлмаган миқдорида "Пудратчи" ининг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

2.4. Бажарилган ишларнинг оралиқ далолатномалар асосида оралиқ тўловлар "Пудратчи" нинг ҳисобвараклари бўйича "Буюртмачи" томонидан далолатнома имзоланган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.5. Якуний тўлов, шартномада назарда тутилган бутун иш ҳажмини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин, 90 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.6. Шартномада назарда тутилган, бажарib бўлинган ишларни "Буюртмачи"га топшириш "Пудратчи" билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан кейингина амалга оширилади.

2.7. "Пудратчи" бажарилган ишларнинг натижаларини "Буюртмачи" томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш бўйича ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини имзолагунга қадар ушлаб туришга ҳақли.

2.8 "Пудратчи" иш ҳажми бўйича сметалар тузади ва сметаларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги учун жавобгардир.

2.9. Ишларнинг (хизматларнинг) қиймати Ўзбекистон Республикасида амалдаги соҳавий нормативлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ "Пудратчи" томонидан аниқланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Пудратчи" ўз зиммасига олади:

3.1.1 Ушбу шартноманинг 1.1-бандда кўрсатилган ишларни (хизматларни) тегишли

сифатда бажаришни.

3.1.2 Ишларни (хизматларни) ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган муддатларда тўлиқ бажаришни.

3.1.3 Ишни тўлиқ, шунингдек, ҳар бир босқич якунланишида "Буюртмачи"га бажарилган ишларнинг далолатномасини тақдим этишни, ишни тўлиқ якунлаганда унга бажарилган иш тўғрисида ҳисобот бириктиришни.

3.1.4 "Буюртмачи" худудида ишларни (хизматларни) бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш, ХТ, ЁҲҚ қоидаларига, шунингдек корхонада амалда бўлган ишлаб чиқариш интизоми, режими ва меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилишни.

3.2. "Пудратчи" ҳуқуқга эга:

3.2.1 Ушбу шартномага қўшимча келишув тузилган ҳолда шартномада назарда тутилмаган қўшимча ишларни бажариш.

3.2.2 Ўз материаллари, ёки келишилган асосида Буюртмачи томонидан унга ўтказилган моддий-техник ресурслар ва ускуналар ёрдамида ушбу шартнома бўйича ишларни амалга ошириш, ва бажарилган иш далолатномасини тузиш пайтида иш ҳажмига Буюртмачидан олинган материаллар, эҳтиёт қисмлар, учинчи шахслар томонидан тайёрланагн калибрлаш клеймалари (штамплари), маҳсус рақамланган мухрлар, қўйма батареялар ва бошқаларнинг нархини киритиши.

3.2.3. Зарурият бўлса, Буюртмачининг розилиги билан субпудратчилар билан пудрат шартномаларини тузиш.

3.3. "Буюртмачи" ўз зиммасига олади:

3.3.1 Ҳисобварак-фактуралар ва бажарилган ишлар (хизматлар) далолатномаларига асосан, улар имзоланган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай "Пудратчи"га ишлар учун тўловни амалга оширишни.

3.3.2. Бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисидаги далолатнома ва унга илова қилинган хужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кун ичидан бажарилган ишлар тўғрисидаги имзоланган далолатномани ёки ишни қабул қилишни асосли рад этиш тўғрисида маълумотномани "Пудратчига" юбориши лозим.

3.3.3 "Пудратчи" томонидан бажарилган ишлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма-далолатномасини у олинган кундан бошлаб 3 кун ичидан имзолашни ёки уни асосли рад этишни.

3.3.4 Ишлар (хизматлар) муддатдан эрта тугаллаган тақдирда ишларни қабул қилиш ва тўловини амалга оширишни.

3.3.5 Асосли рад этилган тақдирда "Пудратчи" билан зарур қўшимча ишлар рўйхати ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича икки томонлама далолатнома тузишни.

3.3.6 "Буюртмачи" нинг обьектларида ишларни бажариш учун "Пудратчи"нинг ходимларини хизмат сафари ва "Пудратчи"нинг қурилма ва жиҳозларни ташиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлари қўшиб тузилган бажарилган иш далолатномаларини қабул қилишни.

3.3.7 "Пудратчи" томонидан амалга оширилган ишлар далолатномаларига киритилган материаллар, эҳтиёт қисмлар, учинчи шахслар томонидан тайёрланагн калибрлаш клеймалари (штамплари), маҳсус рақамланган мухрлар, қўйма батареялар ва бошқаларнинг ҳақиқий харажатларини "Пудратчига" қоплаб беришни.

3.3.8. "Пудратчи"га ишни хавфсиз бажариш учун шароит яратиб бериш; обьектларда дастлабки маълумотлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, техник хужжатлар ва ускуналарни тақдим этиш; "Пудратчи" жамоасига шартномада назарда тутилган ишларни бажариш учун иш олиб борилаётган обьект яқинида ишлаб чиқариш хоналари, "Пудратчи"нинг ускуналарини ташиш учун автотранспорт билан таъминлашни.

3.4 "Буюртмачи" ҳуқуқга эга:

3.4.1 Пудратчининг фаолиятига аралашмасдан, ишларнинг бажарилишини исталган вақтида текшириш ва техник назоратни амалга ошириш;

4. КАФОЛАТЛАР

4.1. Объектни эксплуатация қилишнинг кафолат муддати бажарилган ишлар далолатномаси томонлар имзолаган санадан бошлаб 12 ойни ташкил этади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлардан бири томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган тақдирда, айбдор томон бошқа томонга етказилган заарни қоплайди.

5.2. Кечиктирилган тўлов учун "Буюртмачи" "Пудратчи" га кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5% миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлади.

5.3. Ишнинг бажарилишини кечиктиргани учун "Пудратчи" "Буюртмачи" га кечикишнинг ҳар бир куни учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида, лекин бажарилмаган иш қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлади.

5.4. "Буюртмачи" "томонидан рад этиш сабаблари асосланмаган ҳолда бир томонлама шартнома бекор қилинган тақдирда "Буюртмачи" "Пудратчи" нинг қилинган харажатларини қоплайди, шунингдек шартнома суммасининг 5% миқдорида жарима тўлади.

5.5. Жарима ҳақини тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тамоннинг ишни кечиктириб бажариш оқибатида кўрилган заарларни қоплашдан озод қilmайди (1998 йил 29 августдан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси).

5.6. "Пудратчи" нинг айби билан бажарилган ишларнинг техник шартлар ва сифат шартларига мос келмаганилиги икки томонлама тузилган далолатнома билан тасдиқланган тақдирда, "Буюртмачи" "Пудратчи"дан бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

5.7. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони бир-бирига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йил 14 сентябрдан ПФ-6313 "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармонига мувофиқ, шу жумладан, барча амалдаги конун ва қоидаларни қўллаш билан чекланмасдан, коррупцияга қарши қўлланиладиган талабларга риоя этилишини эълон қилади ва кафолатлади.

6. МАЖБУРИЙ ҲОЛАТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

6.1. Енгиб бўлмас кучлар таъсири ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қиласа томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги ва уларнинг давомийлигига тегишли далиллар тегишли ваколатли органларнинг гувоҳномалари билан асосланади.

6.3. 6.1-банда кўрсатилган ҳолатлар бошлаганда ва тугатилгач, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаган томон тегишли ҳужжатларни илова қилиб, дарҳол бошқа томони хабардор қилиши шарт.

6.4. Мажбурий ҳолатларининг юзага келиши уларнинг давом этиш муддатига шартноманинг бажарилиш муддатини ошишга олиб келади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1 Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро тушуниш асосида музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча ҳаракатларни амалга оширадилар.

7.2 Шартнома шартларидан четга чиқиш билан боғлик низолар "Буюртмачи" ва "Пудратчи" нинг қўшма йиғилишида кўриб чиқилиши лозим, ишлаб чиқилган қарор икки томонлама протокол билан расмийлаштирилади.

7.3 Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, ушбу шартнома муносабати билан келиб чиқадиган барча низолар Тошкент шаҳар хўжалик судида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага киритилган ўзгартиришлар ёки қўшимчалар ёзма шаклда, ҳар икки томон томонидан имзоланган ва ҳар икки томон томонидан муҳрланган ҳолдагина ҳақиқий хисобланади.

8.2. Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш фақат тамонларнинг келишувига биноан, бошқа ҳолларда 1998 йил 29 августдан “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон, кутилаётган тугатиш санасидан 30 кун олдин бошқа томонга ёзма хабарнома юборади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1 Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳамма масалада томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий асослари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласидар.

9.2 Ушбу шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қиласидар.

9.3 Томонларнинг ҳар бири, ташкилот номи, юридик манзили ёки банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, 10 кун ичida ўзгаришлар ҳақида хабар бериши керак. Манзилнинг ҳақиқий жойлашган жойи ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинмаган тақдирда, ёзишмалар аввал кўрсатилган манзилга етказилади.

9.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхада тузилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРМАЧИ»

«ЎЗЭНЕРГОСОЗЛАШ» МЧЖ

100097 Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 23-йй
Х/Р 2020 8000 7001 2497 9001
АТБ «ЎзСҚБ» Тошкент ш. Катартол ф-ли
МФО 00426 СТИР 200796738
ОКЭД 33140

